

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛӢ ВА ЎРГА МАХСУС ТАЉИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МАХСУС ИСТИДИ



Рўйхатнамаси № _____

2019 йил "17" оқ

МОЛИЯ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200000	– Иқтимоний соҳи, иктисол ва хукук
Таълим соҳаси:	230000	– Иктисол
Таълим йўналиши:	5230600	– Молия

Фан дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими Ўзиншилари бўйича Ўзув-услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлантиручи Кенгашнинг 2019 йил 17 08 даги 4-сон баённомаси билан маъкулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 10 даги Б92 -сон бўйрути билан маъкулланган фан дастури таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқланган розилик берилган.

Фан дастури Тошкент молия институтида ишлаб чиқолди.

Тузувчилар:	Маликов Т.С. Шарипова М.А. Исмаилова Н.К.	-ТМИ "Диклтий молия" кафедраси мудири, профессор и.ф.з. (тизич ОТМдан) -ТМИ "Диклтий молия" кафедраси катта ўюнтувчини (тизич ОТМдан) -ТМИ "Диклтий молия" кафедраси катта ўюнтувчини (тизич ОТМдан)
Тақриғчилар:	Пўлатов Д.Х. Комилов О.С. Атаниев Ж.Х.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кутиридаги бюджет-солни таъкидотлари институти директори Ўрибекови, проф., и.ф.з. (кадрдор бўйриминчи) -ТДИУ, "Молия ва солнилар" кафедраси доценти, и.ф.з. (тизич ОТМдан) -ТМИ, "Жалкоро молия-кредит" кафедраси мудири, и.ф.з. (тизич ОТМдан)

Фан дастури Тошкент молия институти Кенгашида кўриб чиқилган таъсия килинган (2019 йил 06 07 даги 11 -сони баённома).

I. ЎҚУВ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА ОЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМДАГИ ЎРНИ

Ушбу фан молиявий ресурслар фондларини шакллантириш ҳамда мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш мақсадларига эришишда улардан самарали фойдаланиш, шунингдек мамлакат молия тизими амал қилиш қонуниятлари каби масалаларни қамраб олади. Мамлакат молия тизими ривожланиш қонуниятларини билиш ва уларнинг амал қилишига онгли муносабатда бўлишда, мамлакатни демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш жараёнларининг моҳиятини тушунишда талабаларни зарур бўлган билимлар билан куроллантиради.

“Молия” фани умумкасбий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, 2,3,4-курсларда ўқитилиши режалаштирилган. “Молия” фани гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар туркумига киради ва барча иқтисодий бакалавриат таълим йўналишларида ҳам ўқитилади. Мазкур фан молия тизимларини ташкил қилувчи пул, банк иши, кредит, инвестициялар, активлар, мажбуриятлар ҳамда молиявий инструментларни бошқариш, яратиш ва ўрганишни тасвирлаб беради.

II. ЎҚУВ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ

Фанни ўқитищдан мақсад - келгусида юқори малакали иқтисодчи-мутахассислар бўлиб етишадиган талабалар учун молия муносабатларини ташкил этишнинг назарий, ҳуқуқий, ташкилий асослари ҳақида билимлар бериш, уларда давлатнинг ҳозирги даврдаги молиявий сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича кўникма ва малакалар шакллантиришdir.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, молиявий ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига куйидаги талаблар кўйилади. Талаба:

—микро ва макро даражада молия тизимининг амал қилиши, молия тизими ривожланишининг қонуниятлари, молия тизими ҳолати, давлат молияси, корхоналар молияси ва бюджет ташкилотлари молиясини ташкил этиш тамойиллари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;

—молиявий ресурсларни бошқаришнинг асосий усулларини, молиявий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини, молиявий режалаштириш, молиявий сиёsat стратегияси ва тактикасини, молиявий

маблағларни инвестиция қилиш тамойилларини, молия бозорини тадқиқ этиш усулларини билиши ва улардан фойдалана олиши;

—талаба корхона ва ташкилотлар фаолиятида рискни аниқлаш ва баҳолаш усулларини қўллаш, маҳаллий молия, бюджетдан ташқари фонdlар ҳозирги замон ҳолати ва ривожланиш қонуниятларини таҳлил қилиш, молия тизими ривожланиши тенденцияларини аниқлаш мақсадида илмий-амалий тадқиқотларни ўтказиш, молия органларида назорат-иқтисодий ишларини ташкил этиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши керак.

III. ФАННИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАМДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

Фанни ўқитишида интерфаол, коммуникатив, перцептив ёндашувлардан максимал даражада фойдаланиш, ўқув адабиётларидан ташқари аутентик материаллар: аудио, видео, журналлар, интернет манбаларидан ўзлаштирилган билимлар мажмуасини амалиётда кузатилаётган далил ва ҳодисаларга боғлай олиш, олинган натижаларни баҳолаш, таҳлил қилиш орқали касбий фаолият учун зарур бўлган билим, малака ва компетенцияларни инновацион тафаккур лаёқати негизида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўқув машғулотларини лойиҳалаш жараёнида:

- мезонни танлаш;
- ўқув мақсадларини тоифалаш;
- ўқув материалларини модуллаштириш;
- уларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш;
- ўрганиш натижаларини аниқлаш каби омилларга қаратиш орқали таълим олувчида назарий билимлар пухта эгалланиши ҳамда уларни амалиётда қўллаш кўникмасини шакллантириш, мустақил таълимни самарали ташкил этиш талаб этилади.

IV. АСОСИЙ НАЗАРИЙ ҚИСМ (МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ) МОЛИЯНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ (1-МОДУЛ)

1-мавзу. Молиянинг моҳияти ва функциялари

Молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти. Товар-пул, тақсимлаш, қайта тақсимлаш муносабатлари ва молия. Молиянинг ижтимоий-иқтисодий

моҳияти, тараққиёт қонуниятлари, товар-пул муносабатларининг қамраб олиш соҳаси ва ижтимоий такрор ишлаб чиқаришдаги роли жамиятнинг иқтисодий тузуми, давлатнинг табиати ва функциялари билан белгиланиши. Молия ёрдамида ифодаланадиган пул муносабатлари. Молия ва ЯИМ ҳамда МДни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш.

Молиянинг функциялари. Молиянинг тақсимлаш ва назорат функциялари. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Тақсимлаш – молиянинг асосий функцияси. Молия ва тақсимлаш жараёнлари, даражалари. Тақсимлаш ва қайта тақсимлаш. Тақсимлаш ва қайта тақсимлаш обьектлари ва субъектлари. Молиянинг функциялари ва молия механизми. Молия генезиси (тараққиёти).

2-мавзу. Молия тизими

Молия тизимининг соҳалари ва бўғинлари. Давлат молияси ва маҳаллий молия ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар молиясининг бўғинлари. Давлат молияси ва маҳаллий молия соҳасининг алоҳида бўғини сифатида давлат бюджетининг таркибий қисмлари. Давлат мақсадли фондлари (нобюджет фондлар ёки бюджетдан ташқари фондлар).

Хўжалик юритувчи субъектлар молияси молия тизимининг мустақил соҳаси. Нотижорат асосида хўжалик юритишнинг асосий хусусиятлари. Нотижорат секторни давлат томонидан тўғри (бевосита) қўллаб-қувватлаш асосий шакллари. Ривожланган хорижий мамлакатлар давлат молия тизимининг бўғинлари: давлат бюджети тизими; давлат кредити ва маҳаллий ҳокимият органлари кредитлари, федератив давлатларда эса – федерация аъзоларининг кредити; маҳсус нобюджет фондлар; давлат корпорациялари молияси. Бюджет тизими ва давлат тузилиши. Унитар ва федератив давлатнинг бюджет тизими. Худудий молия. Давлат кредити. Нобюджет фондлар. Давлат корхоналари молияси.

3-мавзу. Молиявий тизим функциялари ва уларнинг эволюцияси

Турли мамлакатлар молиявий институт (муассаса)лари бир-биридан фарқланишининг сабаблари. Концептуал тузилма (ёndoшув).

Молиявий тизим функциялари. иқтисодий ресурсларнинг вақт (давр) бўйлаб (бўйича), давлат чегараси орқали ва иқтисодиётнинг бир тармоғидан бошқасига ўтиш (жойини ўзгартириш) усулини таъминлаш; рискин бошқариш (риский бошқарув) усулларини таъминлаш; савдога имкон яратадиган ҳисоб-китобни амалга ошириш ва клиринг усулларини

таъминлаш; молиявий ресурсларни бирлаштириш ва турли корхоналарда эгаликнинг бўлиниши механизмини таъминлаш; иқтисодиётнинг турли тармоқларида қарор қабул қилишнинг марказлаштирилмаган жараёнини мувофиқлаштириш имконини берадиган нарх-наво (баҳо) ахбороти билан таъминлаш; стимуллаштиришнинг психологик муаммоларини ҳал қилиш усулларини таъминлаш.

4-мавзу. Молиявий қарорлар

Молиявий қарор ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Уй хўжаликлари қабул қиласидаган молиявий қарорлар ва уларнинг асосий типлари. Пул маблағларини истеъмол қилиш ва жамғариш тўғрисидаги қарорлар. Инвестицион қарорлар. Молиялаштириш хусусидаги қарорлар. Риский бошқарув ҳақидаги қарорлар.

Фирмалар қабул қиласидаган молиявий қарорлар. Фирманинг таърифи ва унга хос бўлган хусусиятлар. Корхоналар молияси ва корпоратив молия. Жисмоний (табиий) ва молиявий капитал. Стратегик режалаштириш ва стратегик мақсадлар. Инвестицияларни режалаштириш. Инвестицион лойиха. Асосий ва айланма капитални бошқариш сифати. Фирма молиясини умумий бошқариш. Фирмалар қабул қиласидаган молиявий қарорларга таъсир қилувчи асосий омиллар. Фирманинг молиявий сиёсати.

5-мавзу. Молиявий сиёсат

Молиявий сиёсатнинг таърифи. Молиявий сиёсатнинг хусусиятлари ва энг асосий мақсади. Корхона молиявий сиёсатининг мақсадлари. Молиявий сиёсатнинг молия тизими орқали амалга оширилиши ва унинг принциплари. Молиявий сиёсатни амалга оширишнинг асосий методологик принциплари.

Молиявий сиёсатнинг таркибий қисмлари (йўналишлари). Бюджет сиёсати, солиқ сиёсати, пул сиёсати, кредит сиёсати, баҳо сиёсати, инвестицион сиёсат, социал молиявий сиёсат, бож сиёсати. Бюджет сиёсатини белгиловчи омиллар.

Хозирги босқичдаги молия сиёсати ва унинг ўзига хусусиятлари. Ўзбекистонда молиявий сиёсатнинг ҳозирги кундаги асосий вазифалари. Ишлаб чиқилган давлат молия сиёсати концепциясининг мақсади. Молия стратегиясининг ижтимоий йўналтирилганлиги. Ижтимоий ҳимоянинг устуворлиги. Молиявий сиёсатни фаоллаштириш мақсадида молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш амалиётини тубдан ўзgartириш. Молия бозорининг ривожланиши. Молиявий сиёсат ва реал молиявий имкониятлар.

6-мавзу. Молиявий бошқарув

Молиявий бошқарувнинг мазмун-моҳияти.. Молиявий бошқарувнинг асосий методологик принциплари, конкрет методлари ва шакллари. Молиявий режалаштириш; башоратлаш (прогнозлаштириш); дастурлаштириш; молиявий тартибга солиш; молиявий назорат; молиявий қонунларни (қонунчиликни) қабул қилиш; молиявий ресурсларни жалб қилиш.

Молиявий бошқарув органлари ва уларнинг вазифалари. Молия тизимини умумий бошқариш ва уни амалга оширувчи органлар. Умумдавлат миқёсида молиявий бошқарув тизими ва бошқарув органлари: Президент ва Президент девони; Олий Мажлиснинг тегишли қўмиталари; Вазирлар Маҳкамаси; Ҳисоб палатаси; Молия вазирлиги, Ғазначилик тизими органлари, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва бошқалар. Уларнинг молиявий бошқарув соҳасидаги ваколатлари ва вазифалари.

7-мавзу. Молиявий режалаштириш ва тартибга солиш

Молиявий режалаштиришнинг таърифи. Молиявий режалаштириш ва молиявий режа. Молиявий режалаштиришнинг ҳаракат этиш доираси. Унинг асосий вазифалари. Молиявий режалаштириш амалиётида қўлланиладиган асосий методлар. Молиявий режалаштириш жараёнининг асосий босқичлари. Молиявий режалаштириш турлари: стратегик молиявий режалаштириш; жорий молиявий режалаштириш, уларнинг функциялари ва ўзига хос хусусиятлари.

Пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш шакллари ва методларининг ўзига хослиги ҳамда молиявий ресурсларни тармоқлар ва ҳудудлар бўйича қайта тақсимлашни ўзида акс эттирувчи молиявий режаларни ишлаб чиқишининг зарурлиги. Молиявий режалаштиришнинг бош обьекти. Молиявий режалар тизимининг маркази.

Молиявий режалаштириш ва молиявий башоратлаш. Молиявий башоратлаш таърифи. Ўрта муддатли (5-10 йиллик) молиявий башоратлаш ва узоқ муддатли (10 йилдан ортиқ) молиявий башоратлаш. Молиявий башоратлашнинг молиявий режаларни тузиш босқичидан олдин содир бўлиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Молиявий башоратлаш методлари. Молиявий дастурлаштириш.

8-мавзу. Молиявий назорат

Молиявий назоратнинг предметини ифодаловчи молиявий кўрсаткичлар. Молиявий назорат молия функцияларининг амалга оширилиш шакли эканлиги. Молиявий назорат соҳалари: давлат молиявий назорати; нодавлат молиявий назорати. Молиявий назорат ўз ичига оловчи текширувлар. Молиявий назорат тизимининг бир типлилиги ва унинг элементлари. Молиявий назоратнинг олдида турган энг асосий вазифалар. Молиявий назоратни ташкил этишнинг асосий принциплари. Молиявий назоратнинг амалий характер касб этувчи принциплари.

Молиявий назоратни амалга оширувчи субъектларга кўра турлари: умумдавлат молиявий назорати; идоравий молиявий назорат; хўжалик ичидаги молиявий назорат; жамоатчилик молиявий назорати; мустақил молиявий назорат. Молиявий назоратнинг шакллари. Молиявий назоратни амалга ошириш жараёнида фойдаланиладиган методлар.

Давлат молиявий назорати органларининг вазифалари ва функциялари. Президент девони, Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа давлат органларининг молиявий назоратни амалга ошириш борасидаги вазифалари.

Ички фирмавий (корпоратив) назорат, тижорат банклари томонидан мижоз-ташкилотлар устидан назорат, аудиторлик назоратлари. Уларнинг мазмунни, фарқли жиҳатлари, ваколатлари, ҳуқуклари.

9-мавзу. Молия ва рисклар

Рискнинг мазмун-моҳияти. Риский бошқарув. Рискка мойиллик. Риск ва иқтисодий (молиявий) қарорлар. Уй хўжаликлари дуч келадиган рискларнинг турлари. Компаниялар дуч келадиган рискларнинг турлари. Риский бошқарувда ҳукуматнинг роли. Рискни бошқариш жараёни: рискни аниқлаш; рискни баҳолаш; риский бошқарув усулини танлаш; танланган усулларни амалга ошириш; натижаларни баҳолаш.

Рискни “ўтказиш” вариантлари: хежирлаштириш; суғурталаш; диверсификация. Рискни “ўтказиш” ва иқтисодий (молиявий) самарадорлик: мавжуд рискни самарали қабул қилиш; риск ва ресурсларни тақсимлаш. Риский бошқарув институтлари.

Портфел назарияси ва риский оптимал бошқарув учун статистик таҳлил. Даромадлилик эҳтимолларини тақсимлаш. Даромадлиликдан стандарт чекланиш – риский чора сифатида.

10-мавзу. Молия назариялари

Хорижий иқтисодчиларнинг молияга оид назариялари. Сиёсий иқтисод классиклари концепциялари асосий мазмунининг молиявий жиҳатлари. Солиққа тортишни мақсадга мувофиқ равишда ташкил қилишнинг А.Смит томонидан илгари сурилган тўрт асосий принциплари ва у солиқ концепциясининг мақсадлари. Ж.С.Милл “хизматларнинг солиқ назарияси”нинг асосий ғояси. Янги тарихий мактаб концепциялари. А.Вагнер томонидан ишлаб чиқилган солиққа тортиш принциплари ва уларнинг мазмуни. Молиявий муаммоларнинг марксчилар асарларида талқини. Фойдалиликнинг чекланганлиги назариясининг молиявий жиҳатлари. Ж.М.Кейнс молиявий концепциясининг асосий ғояси. “Самарали талаб”га эришишнинг муҳим молиявий омиллари. Ж.М.Кейнснинг етмаётган талабни тўлдириш формуласи. Неокейнсчилар назарияларининг молиявий аспектлари. Иқтисодий ўсиш назариясининг асосий мазмуни. Фискал антициклик назариянинг асосий ғояси. “Дефицитли молиялаштириш” ва “бюджетни циклик баланслаштириш” назарияларининг асосий характерли белгилари. “Тизилган бюджет стабилизаторлари” назариясининг негизи. Янги классик назарияларнинг молиявий жиҳатлари. “Таклиф иқтисодиёти” назариясидаги янги консерватив йўналишнинг асосий мазмуни. А.Леффернинг солиқ концепцияси.

МОЛИЯВИЙ БОЗОРЛАР, ИНСТРУМЕНТЛАР ВА ВОСИТАЧИЛАР (2-МОДУЛ)

11-мавзу. Молиявий инфратузилма

Молиявий инфратузилма ва унинг таркиби: бухгалтерия ҳисоби ва суд ишларини ҳал этиш жараёнлари; молиявий инструмент (восита)лар савдосига кўмаклашувчи ҳисоб-клиринг ташкилотлар; молиявий тизим қатнашчиларининг ўзаро муносабатларини назорат қилувчи (тартибга солувчи) идоралар. Қимматли қофозлар савдоси қоидалари. Бухгалтерия ҳисоби тизимлари

12-мавзу. Молиявий янгиликлар

Молиявий янгиликлар ва бозорнинг “кўринмас қўли”. Молиявий янгиликларнинг айрим тадбиркорлар ва фирмаларнинг харакатлари натижасида юзага келиши. Ўзининг фойдаси учун ҳаракат қилаётган

индивиднинг унинг мақсадига кирмайдиган натижага “кўринмас қўл” томонидан йўналтирилиши. Инновациялар ва технологияларнинг ривожланиши.

13-мавзу. Молиявий бозорлар

Молиявий бозорлар. Замонавий молиявий бозорнинг энг умумий кўринишлари: пул бозори; капитал бозори; фонд бозори; валюта бозори ва ҳ.к.лар. Пул бозорига хос характерли хусусиятлар. Молия бозори ва унинг концептуал асослари. Молия бозорининг турлари. Молия бозорининг сегментлари. Молиявий инструментлар. Қимматли қоғозлар. Молиявий бозорнинг молиявий ресурсларини сафарбар этиш ва тақсимлашдаги роли. Миллий ва жаҳон молия бозори. Жаҳон молия бозорининг ривожланиши тенденциялари. Ўзбекистонда молия бозорларининг вужудга келиши ва ривожланиши. Қарз инструментларини муомалага чиқарувчилар. Молиявий бозорда молиявий активларнинг сотилиши ва сотиб олиниши. Молиявий активларнинг асосий турлари. Қисқа ва узоқ муддатли қарз мажбуриятлари. Опционлар ва форвард шартномалари.

14-мавзу. Молиявий бозор ставкалари

Фоиз ставкалари ва уларнинг турлари. Фоиз ставкасининг даражасига таъсир этувчи омиллар: ҳисоб-китоб пул бирлиги; тўлов муддати; кредит келишуви шартларининг қарз олевчи томонидан бажарилмаслик риски ёки дефолт риски.

Рискли активларнинг даромадлик ставкалари ва уларнинг ўлчаш тартиби. Капиталга даромаднинг манбалари: дивидентлар; акция бозор курсининг ўсиши. Бир йиллик қўйилган капитал даромадлилиги. Қўйилган капиталнинг умумий даромадлилиги.

Бозорий индекслар ва индекслаштириш стратегияси. Фонд индекслари. Индексациялаш. Инвесторнинг харажатлар даражаси нуқтаи назаридан индекслаштириш стратегиясининг устунлиги (афзаллиги).

Инфляция ва реал фоиз ставкалари. Номинал ва реал нарх (баҳо). Фоиз ставкаларини тенглаштириш. Даромадлик ставкаси даражасига таъсир этувчи асосий омиллар: ишлаб чиқариш воситаларидан кутилаётган самарадорлик; ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш самарадорлигига нисбатан ноаниқлик даражаси; одамларнинг вақтинчалик ниманидир афзал қўриши (нимагадир устуворлик бериши); риски ёқтирмаслик (хуш кўрмаслик, қабул қиласлик, тан олмаслик).

15-мавзу. Молиявий воситачилар

Молиявий воситачиларнинг таркиби. Банклар, уларнинг турлари, асосий функциялари. Бошқа депозит-жамғарма ташкилотлари. Суғурта компаниялари ва уларнинг асосий функциялари. Суғурта турлари, полислари, мукофотлари. Пенсия фондлари. Пенсияни режалаштириш дастурлари. Пенсия дастурларининг турлари. Ўзаро фондлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўзаро фондларнинг икки асосий тури. Инвестицион банклар ва андеррайтинг ва қимматли қоғозларга обуна бўлиш. Венчур компанияларга капитал тикадиган фирмалар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Активларни бошқарувчи фирмалар. Ахборот хизматларини кўрсатувчи фирмалар.

16-мавзу. Молиявий оқимлар

Молиявий тизимда молиявий оқимларнинг тутган ўрни. Молиявий оқим таърифи. Ортиқ маблағга эга бўлган субъектлар. Ресурслари дефицит бўлган субъектлар. Уларнинг ўзаро алоқалари. Молиявий бозорлар ва молиявий воситачиларнинг молиявий оқимда тутган ўрни.

Молиявий оқимларни бошқариш. Молиявий оқимнинг ҳажмига таъсир этувчи омиллар. Сифат мазмунига кўра молиявий оқимларнинг бир-биридан фарқланиши. Молиявий оқимларни бошқаришнинг функциялари. Молиявий оқимларнинг самарадорлиги, уни аниқлаш тартиби.

17-мавзу. Молиявий муассасалар

Молиявий бозорнинг молиявий ресурсларини сафарбар этиш ва тақсимлашдаги роли. Миллий ва жаҳон молия бозори. Жаҳон молия бозорининг ривожланиш тенденциялари. Ўзбекистонда молия бозорларининг вужудга келиши ва ривожланиши. Молиявий институтлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари. Молиявий институтлар ва уларнинг иқтисодиётда тутган ўрни.

Молиявий тизимни тартиба солиш бўйича тўлиқ жавобгарлик. Марказий банклар ва уларнинг асосий функциялари. Автономлилик (мустақиллик). Марказий банклар ва тўлов тизими.

Минтақавий ва бутундунёвий молиявий ташкилотлар. Турли давлат ҳукуматлари молиявий сиёсатини мувофиқлаштиришнинг зарурлиги. Халқаро ҳисоб-китоблар банки. Халқаро валюта фонди ва бошқалар.

18-мавзу. Пулнинг даврий қиймати ва пул оқимларининг дисконтли таҳлили

Мураккаб фоизлар. Бўлажак қийматни ҳисоблаш. Молиявий калкулятор. Турли фоиз ставкалари бўйича реинвестиция қилиш. Қарзни узиш (қайтариш). Пулнинг келтирилган (айлантирилган) қиймати ва дисконтлаш. Пул оқимларини дисконтлаш асосида инвестициялаш ва унинг қоидалари. Кўп сонли пул оқимлари. Бир неча пул оқимларининг бўлажак ва келтирилган (айлантирилган) қиймати. Кўп сонли пул оқимлари бўлганда инвестициялаш.

Аннуитет ва унинг бўлажак қиймати. Аннуитетнинг келтирилган (айлантирилган) қиймати. Умрбод суғурта шартномаси. Ипотека кредити олиш. Ҳаётий (умрбўйи, умрбод) рента. Имтиёзли акцияларга инвестиция киритиш. Оддий акцияларга инвестиция киритиш.

Кредитлар амортизацияси. Валютавий курслар ва пулнинг даврий қиймати. Соф келтирилган (айлантирилган) қийматни ҳисоблаш: валютавий жиҳат.

Инфляция ва пул оқимларини дисконтлаш асосида таҳлил қилиш. Инфляция ва бўлажак қиймат. Инфляция ва омонатлар. Реал аннуитетнинг номинал бўлажак қийматини ҳисоблаш. Инфляция ва инвестицион қарорлар.

Солиқлар ва инвестицион қарорлар. Келтирган даромади солиқка тортилмайдиган қимматли қоғозларга инвестиция қилиш.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯСИ (З-МОДУЛ)

19-мавзу. Хўжалик юритувчи субъектлар молиясини моҳияти ва функциялари

Хўжалик юритувчи субъектлар молиясининг иқтисодий моҳияти ва унинг вазифалари. Тижорат асосида фаолият юритувчи корхона ва ташкилотлар молияси. Нотижорат ташкилотлари молиясининг хусусиятлари. Хўжалик юритувчи субъектлар молиясининг асосий функциялари. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий манбаларининг таркиби.

20-мавзу. Корхоналар молиясини бошқариш

Бизнеснинг ташкилий шакллари ва уларнинг молиявий қарорлар қабул қилишга таъсири. Якка эгалик; ширкат ёки шериклик (хамкорлик); корпорация. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Масъулияти чекланган шериклар ёки коммандитлар.

Мулкка эгалик ҳукуқи (мулк)ни бошқарувдан ажратишнинг молиявий сабаблари ажратишнинг молиявий сабаблари. Корпоратив менежментнинг асосий вазифаси ва унинг молиявий жиҳатлари. Менежерларнинг асосий вазифаси имкон қадар акциядорлар манфаатларини кўзлаб қарор қабул қилишдан иборат эканлиги. Акциядорлар бойлигини максималлаштириш. Фирма баҳосини акциядорлар манфаатига мос тарзда максималлаштириш.

Бозор интизоми: компанияларнинг “ютиб” юборилиши ва унинг молиявий натижалари. Компанияларнинг “ютилиб кетилиши” ва фирма акцияларининг бозор қийматини максималлаштиришга интилиш.

Корпорацияда молиячининг тутган ўрни. Корпорацияда молиявий раҳбарнинг функциялари. Йирик корпорациянинг ташкилий тузилмаси ва унда молиячининг ўрни.

21-мавзу. Хўжалик юритувчи субъектларни молиявий ресурслари

ХЮСларнинг молиявий ресурслари ва капитали. ХЮСларнинг молиявий ресурслари улар ресурсларининг бир қисми. Тижорий ХЮСлар молиявий ресурсларининг дастлабки (бирламчи ҳолда) шакллантирилиши ва уларнинг шакллари. Тушум ва унинг таркибий қисмлари. Ялпи даромад. Амортизация ажратмалари. Фойда. Фойда массаси ва нормаси. Амал (ҳаракат)даги тижорий ХЮСлар молиявий ресурсларининг шаклланиш манбаларига кўра турлари.

ХЮС молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги. Уни ҳисоблаш формуласи. Пул (P^*) гўё тўғридан-тўғри пулдан (P) қилинганда молиявий самарадорликни аниқлаш формуласи. Бевосита молиявий операцияларни амалга ошириш натижасида ХЮС томонидан олинган даромад таркиби. ХЮСнинг иқтисодий рентабеллиги (бизнеснинг рентабеллиги) кўрсаткичи ва уни аниқлаш тартиби. ХЮС молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишда фойдаланиладиган кўрсаткичлар.

22-мавзу. Асосий ва айланма капитал доиравий айланишнинг молиявий аспект (жиҳат)лари

Асосий капитал доиравий айланишининг моҳияти, таркибий тузилмаси ва самарадорлиги. Мехнат ва маҳсулотни яратиш жараёнда асосий капиталнинг намоён бўлиш шакллари. Асосий капиталнинг доиравий айланиши ва унга тегишли бўлган қийматнинг уч функционал шакллари. Иқтисодий мўлжалланганилигига кўра асосий фондларнинг таркиби. Асосий ишлаб чиқариш фондлари. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг таркибий тузилмаси. Амортизация ажратмаларини ҳисоблашнинг асосий методлари ва уларнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари. Асосий фондларни шакллантириш учун жалб қилинадиган пул маблағларининг манбалари.

Асосий капиталнинг доиравий айланиши жараёнида иштирок этадиган молиявий ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлиги. Асосий капиталдан самарали фойдаланишни баҳолашда ХЮС молия-хўжалик фаолиятининг натижалилигини очиб берувчи умумий молиявий-иктисодий кўрсаткичлар. Ишлаб чиқаришнинг умумий рентабеллиги кўрсаткичи. Фонд қайтими ва фонд сигими кўрсаткичлари.

Айланма капитал: мазмуни, таркибий тузилмаси ва фойдаланиш самарадорлиги. Айланма капиталнинг бир неча асосий гурухларга классификация қилиниши. Айланма капиталнинг функциялари ва уларни амалга ошириш шакллари. Айланма капиталнинг таркибий тузилмаси. Айланма капиталнинг фойдаланиш самарадорлигини характерловчи умумлаштирувчи кўрсаткичлар. Соф айланма капитал. Бозор иқтисодиёти шароитида айланма капиталдан фойдаланишнинг самарадорлигига таъсир этувчи омиллар.

23-мавзу. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш чиқимлари ва фойдаси

ХЮСларнинг харажатлари: моҳияти, таркиби, классификацияланиши ва самарадорлигини баҳолаш. Ишлаб чиқариш чиқимларининг гурухланиши. ХЮС фаолиятининг шарт-шароитлари ва йўналишларига боғлиқ равишда харажатларнинг гурухланиши. Ишлаб чиқариш ва реализация билан боғлиқ бўлган харажатларнинг классификацияланиши. Маълум белгилар асосида амалга ошириладиган харажатларнинг классификацияси. Ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан харажатларнинг гурухларга классификация қилиниши. Иқтисодий элементларига кўра харажатларни гурухларга ажратиш ва уларнинг таркиби. Калкуляция моддалари бўйича харажатларнинг бўлиниши. Тўғри (бевосита) харажатлар ва эгри (билвосита) харажатларнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари.

Фойда, уни шакллантириш ва ундан фойдаланиш. ХЮСнинг барча молиявий ресурслари. Инвестицион фаолиятдан ХЮСга келиб тушадиган ресурслар. Фойданинг мазмун-моҳияти. Асос фойда. Баланс фойда. Соф фойда ёки соф даромад. Ялпи фойда, сотувдан олинган фойда, солиқса тортилгунга қадар бўлган фойда, соф фойдани аниқлаш. Фойданинг тақсимланиш тартиби.

Рентабеллик кўрсаткичи ва унинг аниқланиши. Молиявий таҳлил жараёнида тез-тез фойдаланиладиган рентабеллик кўрсаткичлари. Сотув (сотиши) рентабеллиги. Ўз(лик) капиталининг рентабеллиги. Айланма активларнинг рентабеллиги. Айланмадан ташқаридаги активларнинг рентабеллиги. Инвестицияларнинг рентабеллиги коэффициенти.

24-мавзу. Хўжалик юритувчи субъектларнинг баҳо сиёсати ва баҳоларни шакллантириш асослари

Баҳоларни шакллантиришнинг объектив асослари. Баҳо таърифи. Баҳо функциялари. Баҳо турлари, унинг таркибий тузилмаси ва баҳоларни шакллантириш методлари.

Баҳоларни классификация қилиш белгилари. Ўрнатилиши (белгиланиши)га қараб баҳоларнинг турлари. Вақт омилига кўра баҳоларнинг тур (кўриниш)лари. Баҳолар хусусида маълумотларни олиш усулига мувофиқ баҳоларнинг фарқланиши. Бозор тури (кўриниши)га боғлиқ равища баҳоларнинг турлари. Худудий бозорларга боғлиқлигини назарда тутиб баҳоларнинг турлари. Бозорда давлатнинг таъсирчанлиги, тартибга солиш ва рақобат даражасининг характеристи бўйича баҳоларнинг турлари. Етказиб бериш ва сотиш шартларига кўра баҳоларнинг фарқланиши. Баҳонинг таркиби ва таркибий тузилмаси. Баҳоларни аниқлашнинг концепциялари.

ХЮСлар маркетинг стратегиясининг молиявий жиҳатлари. Юқори баҳолар стратегияси (“қаймоғини ажратиб олиш”). Паст баҳолар стратегияси. Табақалаштирилган баҳолар стратегияси. Имтиёзли баҳолар стратегияси. Эластик баҳолар стратегияси. Барқарор, стандарт (андозавий), ўзгармайдиган баҳолар стратегияси. Яхлитланмаган баҳолар стратегияси. Ёппасига (оммавий) сотиб олишлар баҳоси ва баҳоларни товарнинг сифати билан узвий боғланганлиги стратегияларининг ўзига хос бўлган хусусиятлари. “Скonto” чегирма, прогрессив чегирмалар, товарларнинг алмаштирилиши ёки шу билан боғлиқ бўлган чегирма, экспорт чегирмалари, функционал чегирмалар ёки савдо соҳасидаги чегирмалар, маҳсус чегирмалар, яширин чегирмалар, конфиденциал чегирмалар.

25-мавзу. Молия ва капиталнинг таркибий тузилмаси

Ички ёки ташқи молиялаштириш. Акциялар чиқариш ҳисобидан молиялаштириш. Қарзий капитални жалб қилиш эвазига молиялаштириш: таъминот остидаги қарз; узоқ муддатли ижара.

Капиталнинг таркибий тузилмаси ва соф молиявий мухит. Молиявий қарорлар асосида компания қийматини ошириш. Харажатларни камайтириш: солиқлар ва субсидиялар; ночор молиявий ҳолат билан боғлиқ бўлган харажатлар.

Манфаатлар қарама-қаршилигига барҳам бериш. Мотивация муаммолари: пул маблағлари билан операцияларда эркинлик. Акционерлар ва кредиторлар ўртасидаги зиддиятлар.

Манфаатдор томонлар учун янги имкониятларни яратиш. Амалиётдаги молиявий қарорлар. Бизнесни молиялаштиришнинг беш методи: дўстлар ва қариндошлардан қарзлар; ижара; оддий акциялар; варрантлар билан қарзий мажбуриятлар; дебитор қарздорлик факторинги.

Инвестициялар ва молиявий “дастак”. Инвестицион қарорларни баҳолашнинг методларини қиёслаш: корректировка қилинган келтирилган қиймат методи; акционерлар даромадининг ўсиши методи; капитал қийматининг ўртача тортилган методи.

26-мавзу. Молия ва корпоратив стратегия

Қўшилиш (бирлашиш)лар ва “ютиб юбориш”лар. “Ютиб юбориш”. “Ютилиб кетиш”. Сотиб олиш. Қўшилиш. Синегетик самара. Солиқлардан иқтисод қилиш. Фойдали биржавий битим. Активларни бериш. Реал опционларга инвестициялаштириш. Реал опционлар қийматини баҳолаш учун Блек-Шоулз формуласини қўллаш.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР (4-МОДУЛ)

27-мавзу. Молиявий ҳисобот: мазмуни, функциялари ва турлари

Молиявий ҳисоботнинг мазмуни. Молиявий қарорлар қабул қилишда уларнинг ўрни ва роли.

Молиявий ҳисобот функциялари: фирманинг эгалари ва кредиторларига фирманинг жорий молиявий аҳволи ҳамда ўтган даврда унинг фаолияти қанчалик самарали бўлгани тўғрисида маълумот бериш; фирма эгалари ва кредиторларига компания фаолияти самарадорлигининг асосий режа кўрсаткичларини аниқлаш ва менежерлар фаолиятини тартибга солиш имконини бериш; қурай шаблон-моделлар тузиш ва улардан молиявий режалаштириш жараёнида фойдаланиш.

Молиявий ҳисобот турлари: баланс; молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот; пул оқимлари тўғрисида ҳисобот. Молиявий ҳисоботга тушунтириш (ҳисоботни изоҳлаш).

28-мавзу. Молиявий ҳисоботларда молиявий коэффициентлардан фойдаланиш

Молиявий коэффициентлар ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар. Рентабеллик (сотувлар даромадлилиги коэффициенти (РОС); активлар даромадлилиги коэффициенти (РОА); акциядорлик капитали (хусусий капитал) даромадлилиги коэффициенти (РОЕ) кўрсаткичлари.

Активларнинг айланувчанлиги (дебиторлик қарзларининг айланувчанлиги коэффициенти; товар-моддий захираларнинг айланувчанлиги коэффициенти; активларнинг айланувчанлиги коэффициенти) кўрсаткичлари. Ўз маблағи ёки қарз олинган маблағлардан молиялаштириш ёки молиявий “дастак” (молиявий левериж). Молиявий левериж (қарзлар коэффициенти; фоизларни қоплаш коэффициенти) кўрсаткичлари. Ликвидлик (жорий ликвидлик коэффициенти; критик

баҳолаш (лакмус қоғози) коэффициенти) кўрсаткичлари. Бозор қиймати (баҳоси) кўрсаткичлари. Молиявий коэффициентлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар.

Молиявий “ричаг” (дастак) самараси. Фоиз ставкаси ва фаолият циклининг РОЕга таъсири. Молиявий коэффициентлардан фойдаланиш асосида таҳлилни чеклаш.

29-мавзу. Молиявий ҳисоботлар ва молиявий режалаштириш

Ўсиб бораётган бизнес: ташқи молиялаштиришга бўлган эҳтиёж. Фирманинг барқарор ўсиши коэффициенти. Барқарор ўсиш тенгламасини келтириб чиқариш. Айланма капитални бошқариш. Ликвидлик ва касса режасини бажариш.

Бозор ва баланс баҳоси (қиймати) ўртасидаги фарқ. Акцияларнинг бозор қиймати (баҳоси)нинг ва уларнинг баланс қиймати (баҳоси)га мос келмаслигининг асосий сабаблари. Номоддий активлар. Жорий нархлар асосида қайта баҳолаш.

Фойданинг бухгалтерия ва иқтисодий мезонлари. Бозор ва баланс баҳоси (қиймати) ўртасидаги фарқнинг фойда тўғрисидаги тасаввурга ҳам ўз таъсирини кўрсатиши. Умумқабул қилинган маънода фойда. Бухгалтерияда фойда.

Акциядорлик даромадлилиги ва акциядорлик капитали даромадлиги ўртасидаги фарқ. Умумий акциядорлик даромадлилиги. акциядорлик капитали даромадлилиги нормаси ёки коэффициенти.

30-мавзу. Инвестицион дастурларни молиялаштириш

ХЮС инновацион-инвестицион стратегиясининг маъно-мазмунни. ХЮСларнинг инновацион стратегияси учун улар инвестицион фаолиятини рафбатлантириш. Такрор ишлаб чиқариш барча цикли ва у инвестицион соҳасининг динамикасини қамраб оловчи асосий принциплар.

Инвестициялар: манбалари, баҳолаш ва самарадорлиги. Инвестицияларни молиялаштириш шакллари. Инвестицион қўйилмаларни иқтисодий баҳолашнинг методлари.

Инвестицион қўйилмаларни иқтисодий баҳолашнинг кўрсаткичлар тизими. Капитал қўйилмаларнинг соф келтирилган қиймати. Ички фойда нормаси. Қопланиш муддати.

Инвестиция киритиш мезони: ижобий соф келтирилган (айлантирилган) қиймат. Инвестицион лойиха пул маблағлари оқимларини баҳолаш. Капитал қиймати. Электрон жадваллардан фойдаланган ҳолда лойиханинг сезувчанлиги (таъсирчанлиги)ни таҳлил қилиш. Заарсизлик нуқтаси. НПВнинг сотув ўсишига таъсирчанлиги.

Маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича лойихалар таҳлили. Давомлилиги ҳар хил бўлган лойихалар. Бир-бирини инкор этувчи

лойиҳаларни таққослаш. Инфляция ва инвестицияларни режалаштириш.

31-мавзу. Инвестицион баҳолаш усуллари

Инвестициявий қарорларнинг аҳамияти, соғ келтирилган қиймат концепциясини асослаш, соғ келтирилган қиймат тушунчасини таърифлаш, инвестициявий лойиҳаларни баҳолашда қўлланиладиган бошқа ёндашувлар, дунёнинг ривожланган давлатларидағи компаниялар томонидан инвестицияларни баҳолашда қўлланиладиган усуллар бўйича қатор тадқиқотларнинг натижалари.

32-мавзу. Молия ва инвестицион портфелни шакллантириш

Инвестицион портфель ва уни шакллантириш жараёни. Оиланинг ҳаётй цикли. Башоратлаш уфқлари. Рискка нисбатан бағрикенглик. Активларни бошқаришда маҳоратли бошқарувчининг роли.

Инвестицион портфелнинг даромадлилиги ва риск. Рисксиз активлар. Рисксиз активни ягона рискли актив билан бирлаштириш. Белгиланган кутилаётган даромадлиликка эга бўлиш. Портфелнинг самарадорлиги концепцияси.

Кўплаб рискли активлар портфелини диверсификациялаш самарадорлиги. Икки рискли активлардан иборат бўлган портфеллар. Рискли активларни оқилона комбинация қилиш. Энг яхши инвестицион портфелни шакллантириш. Кўп рискли активлардан иборат бўлган портфеллар.

33-мавзу. Кичик бизнес молияси

Иқтисодиёт учун кичик бизнес секторининг аҳамияти ва кичик бизнес тушунчасининг моҳияти, кичик компанияларнинг фаолият мақсадлари, кичик компанияларнинг энг кенг тарқалган ташкилий-хуқуқий шакллари, кичик компанияларни солиқقا тортиш хусусиятлари, кичик бизнесдаги инвестициялашнинг реал имкониятларини баҳолаш учун қўлланиладиган риск даражаси ва дисконт ставкаси, молиялаштиришнинг узоқ муддатли манбаларини жалб қилишда кичик компаниялар дуч келадиган муаммолар, кичик компаниялар акцияларини баҳолаш, кичик корхоналардаги ўз ва қарз маблағлари ўртасидаги нисбат, кичик бизнес соҳасидаги дивидендлар, кичик бизнесда ишчи капитал хусусиятлари.

34-мавзу. Стартапларни молиялаштириш

Стартап тўғрисида умумий тушунча, стартапларни молиялаштириш усуллари, тартиб-қоидалари, бошланғич босқичида стартапларни

молиялаштиришни ўрганиш, стартапларни молиялаштириш учун онлайн-краудфандинг платформалар.

МОЛИЯВИЙ РИСКЛАР (5-МОДУЛ)

35-мавзу. Молиявий рискларнинг моҳияти ва аҳамияти

Молиявий риск тушунчаси ва унинг моҳияти. Риск моҳияти ва мазмунини кўриб чиқиш жараёнида тадбиркор, ишбилармон ва менежернинг муваффақияти рискка муносабатни тушунишига сезиларли даражада боғлиқлигини исботлаш.

Риск хусусиятлари. Рискни юзага келтирувчи омиллар. Тадбиркорлик фаолияти ва бизнесда риск назарияси.

36-мавзу. Молиявий рискларнинг таснифи ва тавсифи

Молиявий рискларни таснифи. Молиявий рискларни тузилмаси. Молиявий рискларни гурӯхлари, турлари ва хилма-хиллиги. Соф ва спекулятив рисклар. Молиявий ва тижорат рисклари. Пулнинг тўлов қобилияти билан боғлиқ рисклар. Тузилмавий ва нотузилмавий рисклар. Корхоналар фаолият йўналиши бўйича юзага келадиган рисклар.

Молиявий рискларнинг ўзига хос хусусияти, уларни баҳолаш, назорат, мониторинг ва бошқариш йўллари, босқичлари. Молиявий рискларнинг келиб чиқиши сабаблари.

Молиявий рискларнинг таснифланиш жараёни. Молиявий рискларнинг классификацияси орқали корхона фаолиятида рискнинг пайдо бўлишининг барча қирраларини таҳлил қилиш ва ўрганиш.

37-мавзу. Бозор рисклари

Бозорларда фаолият юритишида рисклар асосий омил ва муаммо сифатида. Бозор рискларини келтириб чиқарувчи омиллар. “Зарарсизлик нуқтасини аниқлаш” модели. Бозор рискларининг табиати ва манбалари.

Бозор рискларни бошқаришни ташкиллаштириш модели. Бозорларда фаолият юритиши билан боғлиқ хатти-харакатлар рисксизлиги тушунчаси. Бозор рисклари тўғрисидаги ахборот ва унинг рискларни таҳлил қилишдаги аҳамияти. Бозор рискларини бошқариш усувлари. Бозорлардаги хатти-харакатлар рисксизлиги эҳтимолий модели.

38-мавзу. Кредит риски

Кредит риски ва унинг хусусиятлари. Кредит рискининг келтириб чиқарувчи омиллар. Кредит рисклари таҳлили. Кредит рискларини

камайтириш усуллари. Кредит кафолатлари. Кредит рискларини кафолатлаш механизми. Учинчи томон кафолати.

